



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2015 йил 19 ноябрь кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси Н.Йўлдошев олиб борди.

Кенгаш Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси шу йилнинг 3 декабрь кuni чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенат ялпи мажлисининг муҳокамасига аҳоли турмуш даражасининг янада оширилишини ва унинг ижтимоий ҳимоя қилиниши кучайтирилишини, иқтисодийнинг юқори ҳамда барқарор суратларини, аҳоли бандлигини таъминлашни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги, шунингдек, 2016 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тўғрисидаги масалаларнинг киритилиши режалаштирилмоқда.

Сенат ялпи мажлисининг кун тартибига мамлакат сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча соҳасини босқичма-босқич ислоҳ қилишга ва эркинлаштиришга, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига киритилган тузатишларни амалга оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг қатор қонунлари киритилмоқда. "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексини тасдиқлаш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексининг Божхона кодексига (янги таҳрири) қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз қучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги, "Ветеринария тўғрисида"ги (янги таҳрири), "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги (янги таҳрири), "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунлар ҳамда демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришни, давлат қурилиши асосларини мустаҳкамлашни, инвестиция имкониятлари ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашни, тадбиркорликни ривожлантиришни, шу жумладан, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали ривожлантиришни, аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги кўриқлаштириш таъминлашини, суд-ҳуқуқ соҳаси тақомиллаштирилишини назарда тутувчи қонунлар шулар сирасидандир.

Шу билан бирга, навбатдаги ялпи мажлисда сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш бўйича қўйилган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботини муҳокама қилдилар.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Олий Мажлиси Сенати кўмиталарининг ва Девонининг тўртинчи ялпи мажлисга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир ишларни мувофиқлаштириш учун Кенгаш томонидан тегишли ишчи гуруҳ тўзилди.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Ахборот хизмати

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



"Ўзэкспомарказ"да "Sport World Uzbekistan - 2015" спорт ускуналари, анжомлари ва кийимлари ҳамда "Болалик дунёси - 2015" болалар ва ўсмирлар учун товар ва хизматлар халқаро иختисослаштирилган кўргазмалар очилди.

Кўргазмалар Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси кўмағида "Ўзэкспомарказ" миллий кўргазма компанияси томонидан ўтказилмоқда.

Ўзбекистон спорт мамлакатини экани жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Мустақиллигининг дастлабки йилларидан Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги қонунига мувофиқ жисмоний тарбиянинг узлуксизлиги ва давомийлиги турмуш тарзи нормаси сифатида белгиланди ва мазкур қонун яқинда янги таҳрирда қабул қилинди. Бунинг самарасида 2002 йил Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди, жисмоний камолотга эришишнинг уч босқичли ноёб тизими - мактаб ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари", касб-хунар коллежлари ва академик лицей ўқувчиларининг "Баркамол авлод" ва талабалар Универсиадада спорт мусобақалари ўтказиб келинмоқда.

Спорт билан шугулланиш учун қулай шароитлар яратилаётгани, жумладан, спорт объектларининг моддий-техник базаси тобора мустаҳкамлашиб бораётгани натижасида болаларнинг спортга бўлган қизиқишини янада ошириш, яъни жисмонан ва маънан соғлом авлодни тарбиялашга эришилмоқда. Ўтган вақт давомида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 1700 дан ортиқ спорт объектлари бунёд этилди ва бу спортнинг оммавийлигини муттасил оширишга хизмат қилмоқда. Бугун 2 мил-

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ЙЎЛИДА

лиондан ортиқ ўғил-қиз спортнинг 30 тури билан мунтазам шугулланмоқда. Битта спорт иншоотидан бир кунда ўртача фойдаланиш вақти 9,8 соатни ташкил қилаётди.

Болалар спорт объектлари асосан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган замонавий инвентар ва ускуналар билан жиҳозланаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Айни пайтда 120 турдаги спорт инвентари ва ускунасининг 116 таси мамлакатимиз корхоналарида тайёрланмоқда. Уларнинг аксарияти иختисослаштирилган "Sport World Uzbekistan - 2015" спорт ускуналари, анжомлари ва кийимлари халқаро кўргазмасида намойиш этилмоқда.

Жорий йилда кўргазмада ўттиздан ортиқ экспонат ўз маҳсулотларини "Спорт инвентари", "Спорт ускуналари", "Спорт тренажёрлари", "Спорт хизматлари ва фитнес", "Соғлом овқатланиш" каби турли бўлимларда намойиш этмоқда.

Тренажёр заллари ва спорт мажмуалари учун ускуналар ишлаб чиқарадиган "Alpha Sport Technology" масъулияти чекланган жамияти стенди алоҳида ажралиб турибди. Корхонада тайёрланаётган ўриндиқлар, тренажёрлар, гантеллар ва бошқа кўплаб маҳсулотларга талаб катта.

Айни пайтда 100 дан ортиқ турдаги маҳсулот ишлаб чиқаряпти, дейди "Alpha Sport Technology" масъулияти чекланган жамияти бош директори Константин Гржандо. - Бунда асосан маҳаллий хомаш ва материаллардан фойдаланилмоқда. Соғломлаштириш клублари ва тренажёр

заллари асосий буюртмачиларимиздир. Маҳсулотларимиз турини кўпайтириш ва ҳамкорларимиз сафини янада кенгайтириш устида мунтазам изланиш олиб бормоқдамиз.

"Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси корхоналари стенди иштирокчилар эътиборини жалб этмоқда. Бу ерда спорт инвентари ишлаб чиқарадиган ўндан ортиқ корхона маҳсулотлари намойиш қилинмоқда. "Ўз Донг Янг" қўшма корхонаси баландликка сакраш мосламалари, спорт сумкалари, машк манекенлари ва бокс анжомлари, "Ўз Коже" масъулияти чекланган жамияти футбол, гандбол, стол тенниси ва катта теннис турлари, "Ўз Минда" масъулияти чекланган жамияти эса секундомерлар, шахмат соатлари, ҳисоб ва вақт таблоси, спорт тренажёрлари тўплами ва бошқа товарларни тақдим этмоқда.

Экспонатлар орасида футбол тўплари, бокс қопи ва қўлқопи, шлем, полвонлар кийими ишлаб чиқарадиган "Mini Teks" кичик корхонаси ҳам бор.

Корхонамиз ўтган йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда, дейди Андижон вилоятидаги "Mini Teks" кичик корхонаси бош технологи Лазизбек Багиров. - Дастлаб 14 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилда уларнинг сони ўттизга етди. Корхонамиз Маҳаллийлаштириш дастурига киритилгандан сўнг ISO 9001 сифат менежментини жорий қилдик ва яна 11 турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштирмоқдамиз.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Аҳмад Фарғоний номидаги Фарғона вилояти ахборот-кутубхона марказида бўлиб ўтган тадбир "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий асослари" деб номланди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, таълим муассасалари ходимлари, маҳалла фаоллари, ёшлар иштирок этди.

● Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ва вилоят прокуратураси ҳамкорлигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳимоя қилиш, соҳани ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва говларни бартараф этиш, бу борада олиб борилаётган ишлар самарадорлигини янада ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

● Зулфия номидаги Давлат мукофотида номзодлар кўрик-танловининг Жиззах вилояти босқичида унинг қуйи босқичларида сараланган 84 қиз иштирок этди. Иштирокчилар адабиёт, фан, таълим, санъат ва маданият йўналишларида ўз маҳоратини синовдан ўтказди. Голибликни қўлга киритган қизлар танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

● Андижонда мева-сабзавот етиштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини янада кўпайтириш масаласига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда қишлоқ хўжалиги соҳаси мутахассислари, сабзавотчилик ва боғдорчиликка иختисослашган фермер хўжаликлари, қайта ишлаш ва экспорт қилувчи корхоналар раҳбарлари иштирок этди.

● Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида фаолият бошлаган "Азиз Аваз соф савдо" масъулияти чекланган жамиятида мебель ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Айни пайтда корхонада меҳмонхона, ошхона ва ётоқхона жамланмаларидан иборат етмишдан зиёд турдаги импорт ўрнини босувчи, юқори сифатли мебель маҳсулотлари тайёрланмоқда.

ЖАҲОНДА

● Шимолий Американинг Калифорния штатидаги Карлсбад шаҳри аэропортида ногаҳон вертолётнинг кулаб тушиши натижасида унинг бортида бўлган икки киши ҳаётдан кўз юмди. Ушбу ҳодиса туфайли аэропорт вақтинча ёпиб қўйилди. Ҳозирда фалокат сабаблари аниқланмоқда.

● Халқаро футбол федерацияси (ФИФА)нинг сайлов комиссияси ушбу ташкилот президентлигига бешта номзодни тасдиқлади.

● Швейцариянинг Женева шаҳрида ўтказилган кимошди савдоларида "Зангори ой" деб номланган жуда ноёб зангори бриллиант 48,26 миллион долларга сотилди ва натижада аукционларда қимматбаҳо тошлар учун тўланган нарх бўйича янги рекорд ўрнатди.

● АҚШнинг Техас штатида истиқомат қилувчи Вера Дики 840 метр баландликда ўрнатилган темир арқон устидан баланд пошнали туфлида бемалол ўтгани ҳолда барчани ҳайратда қолдирди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ВА ЖАМОАТЧИЛИК МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан "Қонун лойиҳаларини ёшлар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирокида муҳокама қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси Ватанимиз истиқболлини, эртанги кунимизни белгилаб берадиган сиёсий-иқтисодий ислохотларимизнинг стратегик дастурига айлангани таъкидланди.

Мазкур Концепция давлат ҳокимияти тизимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва жойлардаги вакиллик органларининг ролини ошириш, ҳукумат, ижро ҳокимияти органларининг мустақиллиги ва ваколатларини кенгайтириш, қабул қилинган қонунларнинг бажарилиши, таъсирчанлигини янада кучайтиришга имкон яратди.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасини янада ислоҳ этиш, мустаҳкамлаш ва эркинлаштириш бўйича амал-

га оширилаётган тизимли ишларда парламент алоҳида ўрин тутди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил январь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида қонунлар лойиҳалари, айниқса, аҳолининг ҳаётий муҳим манфаатларини қўловчи, ижтимоий ҳуқуқларига бевосита дахлдор бўлган қонунчилик ҳужжатлари муҳокамаси жараёнига сиёсий партияларнинг фракциялари ҳамда депутатлар билан бирга, кенг жамоатчилик, фуқаролик институти вакиллари, ёшларни ҳам жалб этиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Давра суҳбатида таъкидланганидек, қабул қилинаётган қонунлар сифати ва самарадорлигини янада ошириш, қонун ижодкорлигини меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрлаш ва қабул қилишнинг очик-ошкоралик та-

моийлларига мувофиқ тақомиллаштириш, аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олиш, фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларини ушбу жараёнга фаол жалб этишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш жараёнида жамоатчилик фикрини ўрганиш, бу соҳада олиб борилаётган ишларга нодавлат нотижорат ташкилотларини кенг жалб этиш бўйича тажриба тўпланди.

Қонун лойиҳаларининг кенг муҳокамалардан ўтказилаётгани, уларнинг давлат бошқаруви, фуқаролик жамияти институтларининг турли бўғинларида муҳокама қилинаётгани, хорижий амалиёт билан қиёсий таҳлил этилаётгани парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолиятини тубдан яхшилашга хизмат қилмоқда.

Давра суҳбатида қонун лойиҳалари муҳокамалари жараёнида жамоатчиликни, айниқса, ёшлар, фуқаролик жамияти институтларининг кенг иштирокини таъминлаш юзасидан амалий тавсиялар билдирилди, фикр алмашилди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

ТИНЧ ВА ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗНИНГ БОШ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мамлакатимизнинг эзгу мақсад ва вазифалари аниқ белгилаб берилган. Асосий қонунимиз негизига қўйилган талаб ва қоидаларга тўлиқ мос келадиган, дунёда “Ўзбек модели” деб ном қозонган мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўли нақадар тўғри эканини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда шулар ҳақида сўз юритилди.

Партия сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси раиси С.Турдиев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида қабул қилинган Конституция-миз Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши, барча соҳада эришилаётган ютуқлар, одамларимиз тинч ва фаровон яшашининг гарови бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади.

Конституциямизнинг беқиёс аҳамияти ва тарихий ролини аввало биз учун мутлақо янги бўлган миллий давлатчилик ва унинг ижтимоий-сиёсий тизи-

мини яратиш, демократик тамойиллар асосига қўрилган сиёсий ва иқтисодий тизимни шакллантириш учун зарур бўлган ҳуқуқий пойдеворни белгилаб берганида кўрамиз.

– Бош қомусимизда бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шаклларидаги мулк ташкил этиши, давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқий устуңлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларидаги тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини қафолатлаши белгиланган, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Абдуқодир Тошқулов. – Мазкур қоидалар мамлакатимизда кўп укладли бозор иқтисодиётини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тад-

биркорликни ривожлантириш, жамиятимизда ўрта синф – мулкдорлар қатламнинг пайдо бўлишида муҳим асос бўлмоқда.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, мулкдорларга берилаётган имтиёзларни янада кучайтириш, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада фермерлар, тадбиркорлар ва ишбилармонлар манфаатларини ифода этувчи, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи сиёсий куч сифатида Ўзбекистон либерал-демократик партиясига катта масъулият юкланади.

Тадбирда Президентимизнинг 2015 йил 9 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган-

нинг йигирма уч йиллигини нишонлашга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойишдан келиб чиқадиган устувор вазифалар белгиланди. Партия тузилмаларининг махсус ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқиш, тарғибот-ташвиқот ишларини сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш, жамоат бирлашмалари, барча таълим муассасалари, ёшлар орасида Конституциямиз гоё ва қоидаларини кенг тарғиб қилиш бўйича вазифалар қўйилди.

Фармойишнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилишга қаратилган тадбирлар, давра суҳбатлари, ёш олимлар ва катта илмий ходим-изланувчилар илмий-амалий анжумани ҳамда кўрик-танлов ўтказиш бўйича таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Аҳоли орасида тарғибот тадбирларини олиб боришда замонавий ахборот технологиялари, оммавий ахборот воситалари, хусусан, партия веб-сайти ва наشري имкониятларидан кенг фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎЗА мухбири

ҲАМЖИҲАТЛИКНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси томонидан “Конституция – бахтимиз қомуси” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ҳуқуқий демократик давлат ва кучли адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш бора-сида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларда Конституцияда белгиланган асосий гоё, принцип ва нормалар муҳим дастуруламал бўлаётгани таъкидланди. Асосий қонунимиз фаровон ҳаётимизнинг, мамлакатимиздаги тинчлик-тотувлик, ҳамжиҳатликнинг мустаҳкам қафолатидир.

Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш борасидаги устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда мазкур ҳужжатда белгиланган тамойилларга тўла амал қилиш муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтларининг ташкил этилгани миллий қончилигимизни ривожлантиришда муҳим қадамдир.

– Фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, улар қалбида Конституция ва қонунлар асосида яшаш дунёқарабини шакллантиришда партияларнинг масъулияти тобора ортиб бормоқда, – дейди ЎЗА мухбирига “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти марказий клиник касалхонаси бош шифокори А.Прохорова. – Хусусан, тиббиёт ходимлари ўртасида Асосий қонунимизда белгиланган қоидаларни тарғиб этишда “Адолат” партияси билан яқин ҳамкорлик қилмоқдамиз. Зеро, Конституцияда белгиланган устувор иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий гоёлар жамиятимиз ҳаётида ўз ифодасини топаётди.

Ш.МАМАТУРОВА

БИТИРУВЧИЛАРНИНГ БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

“Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши томонидан “Тадбиркорлик сари қадам ташлаймиз!” лойиҳаси доирасида тумандаги 1-Тошкент педагогика коллежининг “Меҳнат таълими” йўналиши битирувчиларининг “Даромад Мунира фойз текстил” масъулияти чекланган жамиятига ташрифи ташкил этилди.

Мазкур лойиҳа доирасида 2015-2016 ўқув йилида тумандаги касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш, уларда тадбиркорлик қўникмаларини шакллантириш мақсадида туманда жойлашган ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарга битирувчиларнинг саёҳатларини ташкил этиш режалаштирилган.

Тадбирда битирувчиларга ташкил этилган лойиҳадан кўзланган мақсад, бугунги кунда касб-хунар коллежлари битирувчиларини ўз тадбиркорлик фаолиятларини бошлашлари учун яратилган шароитлар, банклар томонидан ажратилаётган имтиёзли кредитлар тўғрисида маълумот бериб ўтилди. Корхона раҳбари Мунира Бойтуллаева ўқувчи-ёшларга тикувчилик корхонасининг очилиш тарихи, юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка қаратилган эътибор натижасида иқтисодиёт юксалишида муносиб ҳиссасини қўшиб келётганини, асосийси, аҳоли бандлиги таъминланаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўқувчи-ёшлар махсус кийимлар тикишга ихтисослашган корхонадаги ишлаб-чиқариш босқичлари, ишчи ва хизматчилар учун яратилган шароитлар билан танишиш имкониятига эга бўлишди.

– Тадбирга ташкилий қўмита билан келишган ҳолда туманимиздаги тикувчилик йўналишида таҳсил олаётган ва келажакда тикувчилик ихтисослиги бўйича ўз меҳнат фаолиятини олиб борувчи коллеж ўқувчиларини таклиф этдик, – дейди “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши қошидаги “Ёш тадбиркор” консультатив маркази координатори Ёрқин Қувватов. – Битирувчилар келгусида тикувчиликка ихтисослаштирилган корхона очиб истаги борлигини билдиришди. Бу эса келажакда ўз-ўзидан туманимизда кичик корхоналар сони ортиши, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бандлиги таъминланишидан далолатдир.

Ана шундай тадбирлардан яна бири “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Сергели туман Кенгаши томонидан ташкил этилиб, ўқувчиларнинг тумандаги “UZTEX TASHKENT” МЧЖ қўшма корхонасига ташрифи уюштирилди.

Тадбирда Сергели туманидаги Сергели политехника, Сергели тиббиёт ҳамда Тошкент молия ва иқтисод коллежларининг тадбиркорлик фаолиятига қизиқувчи фаол ва иқтидорли ёшлардан иборат бир гуруҳ ўқувчилар иштирок эттишди.

Мазкур тадбирни ташкил этишдан асосий мақсад мамлакатимиз ёшларига тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиш босқичлари тўғрисида маълумот бериш, шунингдек, тадбиркорликка оид билим ва қўникмаларини шакллантириш, давлатимиз томонидан ёшларга соҳада яратилаётган кенг имкониятлар билан яқиндан таништириш ва уларни касб-хунар коллежларида эгаллаётган мутахассисликлари бўйича етуқ кадр бўлиб шаклланишлари ҳамда корхона-ташкilotларга ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириларида кўмаклашишдан иборат.

Ёшлар корхона билан яқиндан танишиб, ўзларини қизиқтирган саволларига жавоблар олишди. Учрашув очик мулоқот тарзида кечди.

Зиёда РАСУЛОВА

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ЙЎЛИДА



(Давомий. Боши 1-бетда)

“Ўзбекенгилсанот” акциядорлик жамияти корхоналари ҳам кўрғазмада фаол иштирок этмоқда. “Uztex” компаниялари гуруҳига қирадиган “Eurotex Global”, “Amin Invest International”, “Textile Mill Tashkent” қўшма корхоналари, “Prima Textile” ва “Bultex Eurostar” хорижий корхоналари, “Tailor Impex” масъулияти чекланган жамияти, “Барчиной” хусусий корхонаси ва бошқалар шулар жумласидан. Улар томонидан таклиф этилаётган спорт либослари, бежирим дизайнга эга болалар кийимлари, турли футболкалар, пайпоқ ва бошқа маҳсулотлар иштирокчилар диққатини тортмоқда.

“Ўзбекенгилсанот” акциядорлик жамияти маълумотларига кўра, яқин келажакда болалар ва катталар спорт кийимларини ишлаб чиқариш ҳажми кенгайиши кўтулмоқда. Чунки, болалар спортини учун маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган янги корхоналарни барпо этиш, маҳсулотларини реконструкция ва модернизация қилиш кўзда тутилмоқда. Масалан, 2016 йилда “Барчиной” хусусий корхонаси, “Lens

Textile Invest” ва “Боғи Баҳор текстил” масъулияти чекланган жамиятларида ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва шу асосда янги иш ўринлари ташкил этиш режалаштирилган.

“Sport World Uzbekistan – 2015” билан бир майдонда “Болалик дунёси – 2015” кўрғазмаси ҳам очилди. Ушбу кўрғазмада нафақат болалар учун мўлжалланган товарлар билан танишиш, балки битимлар тузиш, болалар саломатлиги, тарбияси ва таълими хусусида муҳим маълумотларга эга бўлиш мумкин.

Кўрғазма иштирокчилари қўлами

ушбу тадбирнинг нақадар муҳим эканидан далолат беради. Хар йили юзлаб иштирокчилар бу ерда болаларнинг бежирим либослари, мактаб анжонлари, трансформер столлар ва бошқа маҳсулотларни харид қилмоқда, етакчи му-

бепул маслаҳат олиш имконига эга бўлмоқда. Болажонлар эса улар учун ташкил этилган маҳорат сабоқлари ва қизиқарли кўнгилочар дастурларда иштирок этмоқда.

“Rosti Rasti Baraka” ва “Polimer Plastik” масъулияти чекланган жамиятлари, “Uz-Korea Medical” қўшма корхонаси, “Томат Group” иқтидорли ёшлар ижодий бирлашмаси ва бошқа компаниялар кўрғазмада фаол иштирок этмоқда.

Мухтасар айтганда, “Sport World Uzbekistan – 2015” спорт ускуналари, анжонлари ва кийимлари ҳамда “Болалик дунёси – 2015” болалар ва ўсмирлар учун товар ва хизматлар халқаро ихтисослаштирилган кўрғазмалар аҳоли, айниқса, болалар ва ўсмирларни соғлом турмуш тарзи, jismoniy тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб этиш, баркамол авлодни тарбиялашга доир илғор ишланмалар билан таништиришга хизмат қилади.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎЗА мухбири

Президентимизнинг 2006 йил 25 августдаги “Миллий гоё тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Қарори асосида ўтказилаётган турли хил танловлар, тадбирлар ва давра суҳбатлари инсонларни маънавий баркамоллик сари етаклаш баробарида уларнинг маърифий оламини янада юксалтиришга, ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар қўламини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Танловлар

ЭНГ ЯХШИ СОҲА МУТАХАССИСЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Жорий йилнинг сентябрь-ноябрь ойларида илк мартаба ўтказилган “Йилнинг энг яхши маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари” кўрик-танлови ҳам академик лицей ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида фаолият олиб бораётган ўқитувчиларнинг маънавий-маърифий ишларини таҳлил этиш, салоҳияти ва маҳоратини оширишга хизмат қилади.

Кўрик-танловнинг туман ва шаҳар босқичларида 1556 нафар маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари иштирок этиб, ўз иш фаолиятлари юзасидан тажриба алмашдилар. Иккинчи ҳудудий босқичда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтимиздан 190 дан зиёд номзодлар ўзаро беллашди.

Танловнинг Республика босқичи Наманган шаҳридаги Ёшлар ижод саройида бўлиб ўтди. Иштирокчилар тўртта шарт: ҳужжатларнинг сифати, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича олиб бораётган иш фаолияти, Президент асарлари ҳамда ушбу соҳага оид ҳужжатлар асосида тузилган саволларга жавоб бериш ҳамда беш дақиқа вақт ичида таълим ти-

зимиди, бугунги кунда ёшлар ҳаётида юзага келаётган муаммоларини санаб ўтиб, уларни бартараф этиш юзасидан ўз таклифларини бериш бўйича ўз салоҳиятларини намоён этдилар.

– Мазкур танлов таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш, ушбу йўналишларда олиб борилаётган илғор тажрибалар, инновацион технологияларни аниқлаш, янги тарбия методларидан унумли фойдаланиб, яхши натижаларга эришаётган ташаббускор, янгилликка интилувчи, ижодкор маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарларини аниқлаш ҳамда уларнинг иш тажрибаларини оммалаштириш мақсадида ташкил этилди, – дейди Ўрта махсус, касб хунар таълими марказининг маънавий-ахлоқий тарбия ва спорт бўлими бошлиги Отажон Омонов. – Жумладан, ёшлар қалбиди она юртга садоқат туйғуларини шакллантириш, урф-одат ва қадриятларимизни қадрлашга чорлаш, кенг кўламли ислохотларнинг моҳиятини тушунириш, гоёлар ва информацион хуружлар, улар ортида турган кучларнинг гаразли мақсадларини фош қилиш,

нафақат ёшларимизни, балки бутун аҳолини ҳушёрликка чорлаш, огоҳликка даъват этиш, тарғибот ишларини миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги асосида ташкил этиш орқали халқ онгида Ватанга меҳр-муҳаббат руҳини шакллантириш мақсадлари қамраб олинган.

Танловда биринчи ўринга Андижон вилояти Олтинқўл иқтисодиёт коллежининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Зилола Тоштемирова, иккинчи ўринга пойтахтимиздаги Тошкент радиотехника ва автоматика касб-хунар коллежининг директор ўринбосари Кимё Насриддинова, учинчи ўринга эса Кува тиббиёт коллежининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Махфират Зикирова-валар муносиб деб топилди.

– Танловда Республика бўйича иккинчи ўринга сазовор бўлганимдан жуда ҳам мамнунман, – дейди Тошкент радиотехника ва автоматика касб-хунар коллежининг директор ўринбосари Кимё Насриддинова. – Бу танлов маънавиятимизнинг мазмун-моҳияти ва қадимий илди-ларини, ноёб ва бетакрор намуналарини, бугунги кунда ривожланиш тамойиллари ҳақида аниқ мақсадга қаратилган тарғибот ишларини мунтазам равишда олиб боришимизда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга вилоятларда олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар қўлами билан танишиш имконини ҳам беради. Танлов сўнггида иштирокчилар ва гоилиларга Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Гулчехра ДҮРДИЕВА

ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институтида “Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциялашув шариоитида инновацион технологияларнинг долзарб муаммолари” мавзусида ўтказилган Республика миқёсидаги илмий-амалий анъанавий анжумани ана шу долзарб масалалар муҳокамасига бағишланди. Ушбу анжуманда Тошкент шаҳри ва вилоятлар ўқув юрларининг профессор-ўқитувчилари, соҳа олимлари, фан ва ишлаб чиқариш мутахассислари, катта илмий ходим-изланувчилар, ёш олим ва иқтидорли талабалар қатнашди. Улар кўтарилган масалалар бўйича фикр-мулоҳазаларини билдириб, тажриба алмашиш имкониятига ҳам эга бўлдилар.

Анжуманинг ялли мажлиси Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти ректори Равшан Мақсудовнинг кириш сўзи, шу институтининг “Кимё технологияси” кафедраси мудири Ирода Набиева, “Назарий ва амалий механика кафедраси ўқитувчиси Шараф Шухратовларнинг “Табиий ва синтетик толаралар алашмасидан трикотаж маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг комплекс технологиясини ўзлаштириш”, “Олий таълим муассасаларининг академик лицейлар ва турдош касб-хунар коллежлари билан ҳамкорлик йўналишлари” каби маърузалари билан бошланди. Ялли мажлис ва “Пахта саноати, механика муаммолари ва инновацион ечимлар”, “Экологик муаммолар”, “Тўқимачилик саноати техника-технологияси ва инновациялар асосида уларни ривожлантириш”, “Енгил, кимё ва матбаа саноати ишлаб чиқаришда инновацион технологиялар”, “Фундаментал, ижтимоий ва иқтисодий фанларнинг тўқимачилик ва енгил саноатдаги ўрни”, “Касбий таълимда инновацион ахборот ва педагогик технологиялар” каби шўъбаларда 350 га яқин илмий чиқишлар ва материаллар тақдим этилди.

Илмий-амалий анжуман доирасида олий таълим ва фан интеграциясини кенгайтириш, юқори малакали мутахассислар тайёрлашда илмий кадрлар салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, уларнинг институт ўқув жараёнидаги иштирокини таъминлаш, иқтидорли ёшларни илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятга кенг жалб этиш мақсадида шакллантирилган ўқув-илмий комплексининг кенгайтирилган йиғилиши ҳам ўтказилди. Унда Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Полимерлар кимёси ва физикаси илмий тадқиқот маркази, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти, Тошкент Давлат техника университети қошидаги “Фан ва тараққиёт” давлат унитар корхонаси, Тармоқ машинасозлиги муаммолари илмий-тадқиқот маркази, “Paxtasanoat ilmiy markazi” акциядорлик жамияти, Вазиirlar Маҳкамаси ҳузуридаги “Сифат” маркази, Ўзбекистон табиий толаралар илмий тадқиқот институти ва Ўзбекистон Ипакичилик илмий тадқиқот институти, Олий ва ўрта махсус таълим вазирилги ҳамда бир қатор ишлаб чиқариш корхоналари вакиллари иштирок этдилар. Йиғилишда ўқув-илмий комплекс фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги қўшма буйруқ, унинг фаолиятининг устувор йўналишларини ўзаро мувофиқлаштириш, комплекснинг фан ва ишлаб чиқариш инновацион корпоратив ҳамкорлик бўйича қўшма дастури кенгаш таркиби каби масалалар муҳокама қилиниб тасдиқланди.

Анжуман ва ўқув-илмий комплекс мувофиқлаштирувчи кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари Ботир Усмонов қатнашди.

Хасан АБДУНАЗАРОВ

ТЕЛЕДАСТУРЛАР

11.00 Суд присяжных
12.20 Обзор. ЧП
13.00 Т/с "Улицы разбитых
фонарей"
15.20 Т/с "Литейный"
17.00 "Говорим и показы-
ваем".
18.40 Т/с "Чужой"
20.35 Т/с "Пятницкий, Гла-
ва четвертая"
22.30 "Анатомия дня"
23.10 Т/с "Команда"
01.00 "Дачный ответ"
02.05 Т/с "Следственный
комитет"

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

(Давоми.
Бош 3-бетда)

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Тинч океани". Х/ф.
7.30 Миллий сериал: "Қалдирғочлар яна қайтади".
8.00 "Ахборот".
8.40 "Африка табиати". Х/ф.
9.30 "Матонат". Т/с.
10.15 "Сухбатдош".
10.30 1. "Наулир". 2. "Чинсан".
11.00 "Ахборот".
11.10 Миллий сериал: "Ола-сингиллар".
11.50 "Икким".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Устурлоб".
13.20 "Биз учун муҳим". Ток-шоу.
14.00 "Ахборот".
14.35 Миллий сериал: "Мухаббатим - қисматим".
15.15 "Агроолам".
15.30 "Тиффани" да нонушга. Б/ф.
17.00 "Ахборот".
17.10 "Кўрганларимиз ҳақида".
17.35 "Ажойиботлар ўлкаси".
17.55 "Икким".
18.05 "Менинг ҳуқуқим".
18.15 Миллий сериал: "Ола-сингиллар".
18.55 "Эй" студияси: "Этиқод мустаҳкамлиги йўлида".
19.25, 20.00, 20.55 Ўзлонлар.

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Заковатли Уилл Хантинг". Б/ф. 1-қисм.
8.00 "Ахборот".
8.40 "Ҳаёт остида". Б/ф.
9.30 "Икким".
10.15 "2015 йил - Кекасларни эъзозлаш йили".
10.35 "Бизнинг сарф".
11.00 "Узингни англа". Ток-шоу.
11.45 "Қулларнинг бирида".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Икким".
13.05 "Табиб". Б/ф.
15.10 "Икким".
15.20 "Менинг ҳуқуқим".
15.30 "Заковат".
16.30 "Ахборот". /инглиз/.
16.40 "Икким".
17.00 "Ахборот".
17.10 "Севги ўғитлари-5". Б/ф. Премьера.
18.35 "Ўқибурчак". Ток-шоу.
19.25, 20.00, 20.55 Ўзлонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Қўғил ободлиги".
22.00 - 00.00 Ҳинд киноси: "Фотоаппарат мўжизаси".
00.00 "Бизнинг сарф".
00.25 "Фусункор нақшлар".
00.50 "Шарқ тароналари".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 "Тўқиз ой". Б/ф.
4.00 "Ахборот".
4.35 "Қўғил ободлиги".
4.55 "Қулларнинг бирида".
5.10 - 5.55 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Заковатли Уилл Хантинг". Б/ф. 2-қисм.
8.00 "Ахборот".
8.40 "Богоар".
8.55 "Оломондан олисда". Б/ф.
10.50 "Икким".
11.00 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
11.45 "Қулларнинг бирида".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Муносабат +".
15.15 "Икким".
15.20 "Элоиза". Б/ф.
16.50 "Биз учун муҳим". Ток-шоу.
17.30 "Ўн тилган орзулар". Б/ф. Премьера.
19.00 "Кўрганларимиз ҳақида".
19.25, 20.00, 20.55 Ўзлонлар.
19.30 "Тахилнома" /рус/.
20.05 "Ўзингни англа". Ток-шоу.
21.00 "Тахилнома".
21.40 "Билимдон". Интеллектуал танлов.
22.40 - 00.20 "Букри". Б/ф.
00.20 "Ўзингни англа". Ток-шоу.
1.00 "Тахилнома" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 "Ойдин ҳаёт". Б/ф.
3.45 "Шарқ тароналари".

19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Монк". Т/с.
21.00 "Ахборот".
21.40 - 23.55 "Муносабат +".
23.55 "Агроолам".
00.15 Миллий сериал: "Ола-сингиллар".
00.55 "Икким".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 "Бахт қадри". Б/ф.
3.40 "Шарқ тароналари".
3.55 "Икким".
4.00 "Ахборот".
4.40 Миллий сериал: "Қалдирғочлар яна қайтади".
5.10 "Ажойиботлар ўлкаси".
5.30 - 5.55 "Кўрганларимиз ҳақида".

Ёшлар

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Қизлар мактаби".
6.40 "Менга турмушга чиқасанми?" Б/ф. 1-қисм.
7.50 "Ёшлар наволари".
8.00 "Бебаҳо бойлик". Т/с.
8.50 "Қорақалпоқ ёшлари".
9.10 "Қасоскор замин". Т/с.
9.50 "Келажак пойдевори".
10.00 "Давр".
10.10 "Олтин даврим". Т/с.
11.00 "Қишлоқдаги тенгдошим".
11.30 "Висол". Б/ф.
12.50 "Телетўхфа".
13.00 "Давр".
13.10 "Мўжизавий дунё".
14.00 "Смокинг". Б/ф.
15.50 "Конституция дарси".
16.00 "Давр".
16.10 "Кўркмас". Т/с.
17.00 "Муваффақият қалити".
17.20 "Навоий ҳазинаси".
18.00 "Бебаҳо бойлик". Т/с.
18.50 "Келажак пойдевори".
19.00 "Давр".

Ёшлар

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Ош бўлини".
6.30 "Келажак пойдевори".
6.40 "Менга турмушга чиқасанми?" Б/ф. 2-қисм.
7.50 "Ёшлар наволари".
8.00 "Қишлоқдаги тенгдошим".
9.30 "Мўжизавий дунё".
9.50 "Телетўхфа".
10.00 "Давр".
10.10 "Галатепалик авлиё". Б/ф.
10.40 "Соғлом ҳаёт".
11.00 "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23 йиллигига: Нукта назар".
11.30 "Тағаллик болалар". Б/ф.
12.50 "Конституция дарси".
13.00 "Давр".
13.10 "Имкон-шоу".
14.00 "Бетховен асарларини кўчириб". Б/ф.
15.50 "Келажак пойдевори".
16.00 "Давр".
16.10 "Кўркмас". Т/с.
17.00 "Қизлар мактаби".
17.30 "Инспектор Гаже". Б/ф.
18.50 "Конституция дарси".
19.00 "Давр".
19.30 "Янги дунё". Т/с.
20.20 "Дугоналар".
20.20 "Ёшлар наволари".
21.00 "Кўркмас". Т/с.
22.00 "Давр".
22.30 "Чумоли-олам". Б/ф.
00.20 "Афсона ва ҳақиқат".
0.30 "Шарқ гавҳари".
5.30 - 6.00 "Давр".

Тошкент

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00, 8.00, 10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00 "Ройтахт".
6.10 "Супердетишнинг земли". Д/ф.

Тошкент

4.00 "Тахилнома".
4.40 "Билимдон". Интеллектуал танлов.
5.40 - 5.55 "Қулларнинг бирида".
6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Қизлар мактаби".
6.30 "Ойина". Спектакль.
7.50 "Келажак пойдевори".
8.00 "Гугуртга кетиб". Б/ф.
9.40 "Конституция дарси".
9.45 "Omada lotto".
10.00 "Ватанпарвар".
10.40 "Бриллиант қўл". Б/ф.
12.20 "Янги Ҳандалак".
13.50 "Келажак пойдевори".
14.00 "Вулкон". Б/ф.
15.40 "Биз киммиз?".
15.50 "Дугоналар".
16.30 "Олтин микрофон".
17.30 "Инспектор Гаже-2". Б/ф.
18.50 "Телетўхфа".
19.00 "Давр ҳафта ичида".
19.30 "Ушайди-ку!".
21.00 "Қасос ва қонун". Б/ф.
00.10 "Конституция дарси".
00.10 "Фан ва ёшлар".
00.30 "Ватанпарвар".
1.10 "Шарқ гавҳари".
4.30 "Эъзоз ва эҳтиром".
5.00 "Нукта назар".
5.20 "Огоҳ бўлинг!".
5.30 - 6.00 "Давр".

Тошкент

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00 "Самые красивые памятники мира". Д/ф.
6.50 "Ройтахт-еко".
7.00 "Тошкент вақти".

19.30 "Янги дунё". Т/с.
20.20 "Шарқ гавҳари".
21.00 "Ёшлар наволари".
21.10 "Кўркмас". Т/с.
22.00 "Давр".
22.30 "Аделнинг гаройиб саргузаштлари". Б/ф.
00.20 "Афсона ва ҳақиқат".
5.20 "Биз киммиз?".
5.30 - 6.00 "Давр".

Тошкент

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00 "Ройтахт".
6.20 Миллий сериал: "Ту-таш тақдирлар".
6.55 "Тошкент вақти".

Спорт

6.00 "Хайрли тонг!"
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 "Шижоат".

ЖУМА, 27

9.10 "Мухаббат тантанаси". Т/с.
9.50 "Ройтахт-спорт".
10.20 "Касп". Т/с. /Премьера/.
11.10 "Дастур асосида".
11.40 "Профессионал".
12.10 Миллий сериал: "Ту-таш тақдирлар".
12.50 "Химоя".
13.15 "Дилбандим" тележурнали.
13.45 "Ройтахт-интервью".
14.10 "Тошкент вақти".
15.10 "Калбимда қиш". Т/с.
15.50 "Ройтахт-спорт".
16.15 "Қўл бўйидаги уй". Б/ф.
18.15 "Ишга марҳамат!"
18.20 "Мобильная камера".
18.30 "Эртанинг эгалари".
18.50 "Ройтахт-репортаж".

7.00 "Тошкент вақти".
9.00 "Ройтахт-герога".
9.10 "Мухаббат тантанаси". Т/с.
9.50 "Ройтахт-маданият".
10.20 "Касп". Т/с. /Премьера/.
11.00 "Ройтахт-интервью".
11.20 "Ройтахт-Hi-tech".
11.30 "Сифат назорати".
12.10 Миллий кино: "Одноклассники.ру".
13.50 "Ройтахт-еко".
14.10 "Тошкент вақти".
15.00 "Ройтахт-Hi-tech".
15.10 "Калбимда қиш". Т/с.
15.50 "Ройтахт-репортаж".
16.10 Миллий кино: "Афгон".
17.35 "Кинотакдим".
18.15 "Ишга марҳамат!"

ШАНБА, 28

18.20 "Кўзгудаги Биз".
19.00 "Теле-маркет".
19.15 "Мухаббат тантанаси". Т/с.
20.20 "Калбимда қиш". Т/с. /Премьера/.
21.00 "Олин-олин".
21.30 "Ўзгача услуб".
21.50 "Теле-маркет".
22.20 "Тошкент вақти".
22.30 "Всё любит китов". Х/ф. /Премьера/.
1.10 "Касп". Т/с.
2.10 "Қўл бўйидаги уй". Б/ф.
3.45 "Ройтахт-еко".
3.55 - 5.55 "Тошкент вақти".

Спорт

6.00 "Хайрли тонг!"
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 "Ифтихоримсан, спорт".
6.25 Баскетбол.
7.35 "Матонат".

8.00 ХАБАРЛАР.
8.10 Оғир атлетика. Жаҳон чемпионати.
9.30 Кёрлинг. Европа чемпионати.
10.45 Фигуралли учаш. Гран при турнири.
11.55 Трамплиндин сакраш. Жаҳон кубоги.
12.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
13.00 Автоматоспорт.
14.00 ХАБАРЛАР.
14.15 Дзюдо. Гран при турнири.
15.35 Футзал. Ўзбекистон чемпионати.
16.55 Фигуралли учаш. Гран при турнири.

18.10 Кўрсатувлар тартиби.
18.15 "Спорт сайёраси".
18.30 ХАБАРЛАР.
18.50 "Мураббий".
19.15 Оғир атлетика. Жаҳон чемпионати.
20.30 "Спорт-маркет".
20.35 "Халқ уйинлари".
20.45 "Шоҳсулага йўл".
21.30 ХАБАРЛАР.
21.55 "Sport report".
22.10 Интерфутбол.
22.55 "Техноспорт".
00.05 Кёрлинг. Европа чемпионати.
1.20 ХАБАРЛАР.
1.40 Трамплиндин сакраш. Жаҳон кубоги.
2.55 Баскетбол.
4.05 Ангги пойгаси. Жаҳон кубоги.
5.00 - 6.00 Волейбол.

ЯКШАНБА, 29

22.20 "Полет феникса". Х/ф. /Премьера/.
00.05 "Ройтахт-культура".
00.15 "Эртанинг эгалари".
00.35 "Саломат бўлинг!" тележурнали.
1.05 "Хикмати дунё" "Қалб" теленовелла.
1.50 "Қўғил ҳайратлари".
2.20 Миллий кино: "Афгон".
3.45 "Ройтахт-Hi-tech".
3.55 - 5.55 "Тошкент вақти".

Спорт

6.00 "Хайрли тонг!"
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 Кёрлинг. Европа чемпионати.
7.30 "Мураббий".

18.15 "Спорт сайёраси".
18.30 ХАБАРЛАР.
19.05 "Орзулар кемаси".
19.30 "Rekord.uz".
20.30 "Спорт-маркет".
20.35 "Этиқод".
20.45 "Соғлом турмуш сари".
21.30 ХАБАРЛАР.
22.05 "Sport report".
22.20 Интерфутбол.
00.05 Оғир атлетика. Жаҳон чемпионати.
1.20 Кёрлинг. Европа чемпионати.
2.50 Трамплиндин сакраш. Жаҳон кубоги.
3.55 Баскетбол.
5.10-6.00 Ангги пойгаси. Жаҳон кубоги.

18.05 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 "Спорт сайёраси".
18.20 "Техноспорт".
18.30 ХАБАРЛАР.
18.55 "Ифтихоримсан, спорт!"
19.10 Оғир атлетика. Жаҳон чемпионати.
20.30 "Спорт-маркет".
20.35 "Face-sport".
21.30 ХАБАРЛАР.
21.55 "Sport report".
22.10 "Ring".
22.40 Футзал. Ўзбекистон чемпионати.
00.05 Дзюдо. Гран при турнири.
1.20 ХАБАРЛАР.
1.45 Кёрлинг. Европа чемпионати.
2.55 Баскетбол.
4.05 Трамплиндин сакраш. Жаҳон кубоги.
5.10 - 6.00 "Face-sport".

Первый канал

04.00 Телеканал "Доброе утро".
07.00 Новости.
07.05 "Наедине со всеми".
08.00 Новости.
08.05 Контрольная закупка.
08.35 "Жить здорово!".
09.40 Модный приговор.
11.00 Новости.
11.20 Т/с "Тест на беременность".
13.10 Смак.
13.45 "Время покажет".
14.00 Новости.
14.15 "Время покажет".
15.15 "Мужское/Женское".
16.10 "Жди меня".
17.00 Вечерние новости.
18.00 "Человек и закон".
19.00 "Поле чудес".
20.00 "Время".
20.30 "Точь-в-точь".
23.10 "Вечерний Ургант".

Первый канал

04.15 Х/ф "Жди меня".
05.00 Новости.
05.10 Х/ф "Жди меня".
05.50 Х/ф "Простая история".
07.20 "Играй, гармонь любимая!".
07.55 Умницы и умники.
08.45 "Слово пастыря".
09.00 Новости.
09.10 Смак.
09.45 "До первого крика совы".
10.45 "Смешарики. Новые приключения".
11.00 Новости.
11.10 "Идеальный ремонт".
12.05 "Теория заговора".
13.20 Т/с "Приключения Шерлока Холмса и доктора Ватсона".
16.10 "Следствие покажет" с Владимиром Маркиным.
17.00 Вечерние новости.
17.10 "Кто хочет стать миллионером?" с Дмитрием Дибровым.
18.15 "Достояние Республики: Евгений Крылатов".
20.00 "Время".
20.20 "Сегодня вечером".
21.50 К 100-летию Константина Симонова. "Жди меня, и я вернусь".
22.45 Х/ф "Жизнь хуже обычной".
00.30 Х/ф "Прощай, любовь".
02.15 Х/ф "Конец операции "Резидент".

Россия

06.35 "Сельское утро".
07.05 "Диалог о животных".
08.00, 11.00, 14.00 Вести.
08.10, 11.10, 14.20 Вести-Москва.
08.20 МУЛТБ утро.
09.30 "Правила движения".

Первый канал

05.00 Новости.
05.10 Юрий Яковлев. Последняя пристань.
06.00 Х/ф "За двумя зайцами".
07.25 "Служу Отчизне!".
07.55 "Здоровье".
09.00 Новости.
09.10 "Непутевые заметки".
09.25 "Пока все дома".
10.15 Фазенда.
10.45 "Смешарики. ПИН-код".
11.00 Новости.
11.10 "Барак Обама".
11.55 "Гости по воскресеньям".
12.50 К 100-летию Константина Симонова. "Жди меня, и я вернусь".
13.50 "Все хиты Юмор FM на первом".
15.20 Х/ф "Приходите завтра".
17.10 "Точь-в-точь".
20.00 Воскресное "Время". Информационно-аналитическая программа.
22.00 Психологический триллер "Метод".
22.55 Х/ф "Уходя в отрыв".
00.45 Х/ф "Дом".
02.55 Модный приговор.

Россия

05.35 Х/ф "Спортлото-82".
07.30 "Сам себе режиссер".
08.20, 03.15 "Смехопанорама Евгения Петросяна".
08.50 "Утренняя почта".
09.30 "Сто к одному".
10.20 Местное время. Вести-Москва. Неделя в городе.

00.05 Т/с "Фарго". Новый сезон.
01.05 Х/ф "Кастинг".
02.35 Х/ф "Свидетель".

Россия

05.00, 09.15 "Утро России".
09.00, 11.00, 14.00, 17.00, 17.50, 20.00 Вести.
09.55 "О самом главном".
11.35, 14.30, 17.30, 19.35 Вести-Москва.
11.55 Т/с "Тайны следствия".
14.50 Вести. Дежурная часть.
15.00 "Наш человек".
16.00 Т/с "Земский доктор".
18.15 "Прямой эфир".
21.00 "Юморина".
23.00 Х/ф "Барби и медведь".
03.00 "Горячая десятка".
04.05 "Комната смеха".

НТВ

04.00, 05.05 Т/с "Адвокат".
05.00, 09.00, 12.00, 15.00, 18.00 Сегодня.
06.00 "НТВ утром".
07.10 "Утро с Юлией Висоцкой".
08.00 Т/с "Возвращение Мухомора".
09.20 Т/с "Лесник".
11.00 Суд присяжных.
12.20 Обзор. ЧП.
13.00 Т/с "Улицы разбитых фонарей".
15.20 Т/с "Литейный".
17.00 "Говорим и показываем".
18.40 Х/ф "Игра с огнем".
22.20 "Большинство".
23.20 "Время Г" с Вадимом Галыгиным.
23.55 Х/ф "Конец света".
01.45 Т/с "Следственный комитет".

НТВ

10.25 "Личное. Элина Быстрицкая".
11.20 "Две жены".
12.20, 14.30 Х/ф "Его любовь".
16.45 "Знание - сила".
17.35 "Главная сцена".
20.00 Вести в субботу.
21.00 Х/ф "Под знаком луны".
00.45 Х/ф "Звезды светят всем".
02.55 Х/ф "Свой-Чужой".
04.45 Х/ф "Он, Она и Я".
04.50 "Комната смеха".
03.40 Т/с "Адвокат".
04.35 Т/с "Шериф".
06.25 Смотри.
07.00, 09.00, 12.00 Сегодня.
07.15 "Жилищная лотерея".
Плюс.
07.45 "Медицинские тайны".
08.20 "Говорим с Алексеем Зиминным".
09.20 Главная дорога.
10.00 Кулинарный поединок с Дмитрием Назаровым.
10.55 Квартирный вопрос.
12.20 "Я худею".
13.20 Своя игра.
14.10 "Супер-продукты".
"Еда живая и мертвая".
15.05 Т/с "Литейный".
17.00 Следствие вели...
18.00 "Центральный телевидение".
19.00 "Новые русские сенсации".
20.00 Ты не поверишь!
21.00 "50 оттенков. Белова".
22.00 Х/ф "Любовь в словах и картинах".
00.15 "СССР. Крах империи".
02.15 Т/с "Следственный комитет".

ОБОД ШАХРИМ — ОЗОДА ШАХРИМ

ҳар шанба ва якшанба —

тозалик кун

ХУРМАТЛИ ХАМШАХАРЛАР!

Шахримизнинг янада кўркам бўлиши, кўчаларимизнинг орасталиги, маҳаллаларимизнинг озода ва ободлигига ҳисса қўиши ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз эканлигини унутмайлик, тозалик ва ободонлаштириш ишларида фаол бўлайлик!

Коммунал хизмати тўловларини ўз вақтида тўлайлик!

АЗИЗ ҲАМШАХАРЛАР!

Барчамизга яхши маълумки, ҳар биримиз истеъмолчи сифатида табиатнинг бебаҳо неъматлари — сув, табиий газ, электр энергияси сингари ресурслардан фойдаланамиз. Турмушимизга чуқур сингиб кетган ва фаровонлигимизни таъминлашда муҳим омил бўлган мазкур неъматлар соҳа ходимларининг заҳматли меҳнатлари ва катта маблағлар эвазига етказиб берилди.

Шу боис ҳам уларнинг қадрига етиш, исрофгарчилигига йўл қўймаслик, тежамкорлик билан оқилона фойдаланиш, шунинг баробарида "Хисобли дўст айрилмас" нақлига амал қилган ҳолда фойдаланилган иссиқ ва совуқ сув, иссиқлик қуввати, табиий газ, электр энергияси ҳамда кўп қаватли уйларда фойдаланиш харажатлари тўловларини ўз вақтида амалга ошириш ҳар бир истеъмолчининг бурчидир.

Зеро, тежамкорлик — катта бойлик, демократия билан фойдаланиш қоидаларига тўла амал қилган ҳолда сарфласак, қоидабузарлик ва ўзбошимчилик билан уланлишларга йўл қўймасак хизмат сифатига ва самарадорлигига ҳисса қўшган бўламиз, тўловларимиз эса эртага ўзимизга намунали хизмат сифатида қайтади.

Шу ўринда, сиз қадрли истеъмолчиларга шунинг эслатиб қўймоқчимизки, мазкур коммунал хизматлар юзасидан бирорта муаммо туғилса, носозлик ва авария ҳолатлари рўй берган тақдирда қуйидаги телефонлар орқали соҳа ходимларига мурожаат қилишингиз мумкин.

КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ БЎЙИЧА ТУНУ КУН
ФАОЛИЯТ КЎРСАТУВЧИ ДИСПЕТЧЕРЛИК
ХИЗМАТИ — 1055

"ТОШГАЗ" БОШҚАРМАСИ

ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Марказий авария-диспетчерлик хизмати — 255-44-27
Учтепа — 274-44-34
Бектемир — 295-14-43
Миробод — 254-15-61
Мирзо Улуғбек — 267-19-47
Олмазор — 248-35-48
Сергели — 258-84-33
Яшнобод — 296-39-61
Чилонзор — 278-09-99
Шайхонтоҳур — 242-39-26
Юнусобод — 212-25-52
Яккасарой — 255-49-59

ШАҲАР ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ